

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХОЛТЎРАЕВ ШАРОФИДДИН ЧОРИЕВИЧ

**УНУМДОРЛИГИ ПАСТ ТУПРОҚЛАРДА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРНИ
ТУРЛИ УСУЛЛАРДА ЕТИШТИРИШНИНГ ТУПРОҚ
УНУМДОРЛИГИ ВА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ШАРОИТИДА)**

06.01.01– Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Холтўраев Шарофиддин Чориевич

Унумдорлиги паст тупроқларда такрорий экинларни турли усулларда
етиштиришнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири
(Марказий Фарғона шароитида)..... 5

Холтўраев Шарофиддин Чориевич

Влияние разных способов возделывания повторных культур на плодородия
почвы и урожайность хлопчатника на низко плодородных почвах (в условиях
Центральной Ферганы)..... 21

Kholturayev Sharofiddin Chorievich

Effect of *second* crops growth on soil productivity and cotton yield in
unproductive soil condition.(Central Fergana)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 43
List of published works

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХОЛТЎРАЕВ ШАРОФИДДИН ЧОРИЕВИЧ

**УНУМДОРЛИГИ ПАСТ ТУПРОҚЛАРДА ТАКРОРИЙ
ЭКИНЛАРНИ ТУРЛИ УСУЛЛАРДА ЕТИШТИРИШНИНГ ТУПРОҚ
УНУМДОРЛИГИ ВА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ШАРОИТИДА)**

**06.01.01– Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx269 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва "Ziynet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хошимов Иброҳим Набиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар:

Ўрозматов Назиржон,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим,

Карабаев Икрамжан Тураевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа (PhD) доктори,
катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат аграр университети.


Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc 05/30.12.2019. Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «29» 09 2020 йил соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. e-mail: paxtauz@mail.ru)


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника. М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 09 да тарқатилди.
(2020 йил «14» 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



 Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.н., профессор

 Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича 2019 йилда дон ишлаб чиқариш 2 млрд 685 минг тоннани ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 1,2 % ортган, унинг асосий қисми буғдой донига тўғри келиб, жами 771 млн тонна буғдой дон ҳосили олинган, 2020 йилда эса 756 млн тонна буғдой дони олиш режалаштирилган. Шунинг билан бирга дунё мамлакатларида соя экинни етиштириш ҳажми ҳам кўпайиб, 2018 йилда 121,5 миллион гектар майдонда экилган ва ўртача 27,6 ц/га дон ҳосили олинган. Соя асосан АҚШ да етиштирилмоқда ва ундан кейинги ўринларни Осиё, Европа ва Африка давлатлари эгаллайди. АҚШда етиштирилган соя дони, ер юзидида ишлаб чиқарилган соянинг 87,1% ини ташкил этади. Энг кўп экилаётган дуккакли экинлардан яна бири мош бўлиб, дунё бўйича 5,3 млн тонна етиштирилаётган бўлса, унинг 81% қисми Ҳиндистон, Мьянма, Хитой ва Индонезия давлатларига тўғри келади.¹

Дунё мамлакатларида тупроқ унумдорлигини оширишда илдиз-анғиз ҳамда ўсимлик қолдиқларидан фойдаланиш, тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш эвазига тупроқ унумдорлигини ошириш, дон ва дуккакли экинларнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос серҳосил, янги навларини яратиш, уларни турли муддат ва усулларда етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, тупроққа ишлов бериш усуллари ва чуқурлигини тўғри танлаш, суғориладиган ерлардан, сув ва маъдан ўғитлардан самарали фойдаланиш, кузги буғдойдан сўнг такрорий экин экиш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамызда кузги буғдой ҳосили йиғиштириб олингандан кейин бир миллион гектар майдонда такрорий экинларнинг 40 дан ортиқ турини экиш ҳамда улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконияти мавжуд. Меҳнат ва техника ресурслари билан кам таъминланган Марказий Фарғонада жойлашган чўл ҳудудларида кузги буғдойдан бўшаган майдонларга культиватор, чизел ва бошқа мосламалар билан ишлов бериб, такрорий экинлар уруғи қўлда сепилиб, парваришлаб, ҳосил етиштирилади. Ушбу ҳудудларда такрорий экинлардан юқори ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “...экологик шароитга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, ресурс тежовчи агротехнологияларни қўллаш” белгиланган² бўлиб, шамол эрозиясига мойил унумдорлиги паст ўтлоқни соз тупроқлар

¹<https://www.researchgate.net/publication>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида.

шароитида кузги буғдойдан сўнг тупроққа чуқур ва юза ишлов бериш ҳамда такрорий экин сифатида соя, мош ва сули экинларини экишнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832 сонли ва 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144 сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли “2017-2021 йилларда Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли қарорларида кўзда тутилган ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Республикамиз шароитида кузги буғдойдан сўнг тупроққа ишлов бериш ва такрорий экинлар етиштиришни Е.Петров, А.Макаров, А.Дудко, З.Турсунхўжаев, Қ.Мирзажонов, А.Авлиёқулов, Б.Холиқов, Ф.Ҳасанова, Ф.Намозов, М.Тожиев, И.Хошимов, И. Карабаев каби олимлар ўрганган бўлса, турли тупроқ иқлим шароитларида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида дуккакли ва ем-хашак экинларни экиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, издош экинлар ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича Ш.Нурматов, Р.Тиллаев, Х.Атабаева, Р.Орипов, Н.Ҳалилов, К.Мўминов, Б.Избосаров, А.Иминовлар томонидан ва хорижий мамлакатларда Yan Shen, Neil McLaughlin, Xiaoping Zhing, Eric Santler, Hayley Johnson, Brahim Ben Salem, R.W.Ashton, P.R.Hobbs, С.В.Комонов, Е.Н.Комонова, В.А.Гендугов, Н.С.Шевченко, Т.И.Зеленская, Н.Н.Закурдаевалар томонидан амалга оширилган ҳамда асосланган илмий натижаларга эришилган. Лекин унумдорлиги паст тупроқларда кузги ғалладан сўнг тупроққа чуқур, ўртача ва юза ишлов бериб такрорий экинларни қаторлаб ва сочма усулда етиштириш ва уларнинг ўрнига экилган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича илмий изланишлар Марказий Фарғонанинг унумдорлиги паст, кучсиз шўрланган тупроқларида етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “ҚХА-7-081-2015. Марказий Фарғонадаги қум тепаликлар, барханлар текисланиб, экин экиладиган ерлар унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш омилларини такомиллаштириш (шамол эрозиясидан ҳимоя қилинган

ерларда)” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Фарғонанинг шамол эрозиясига учраган ўтлоқи соз кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг тупроқни турли усулда ҳайдаб, юмшатиб ишлов бериш ҳамда такрорий мош, соя ва сули экинларини турли экиш усулини қўллаш орқали, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, такрорий экинлардан сўнг кейинги йил экилган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши билан биргаликда ҳосилдорлигига таъсирини ресурстежамкор агротехнологиясини аниқлаб ишлаб чиқаришда синовдан ўтказиб тавсия беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

Шамол эрозиясига мойил механик таркиби енгил тупроқларнинг, кузги буғдой ўримида сўнг ерга турли чуқурликда ишлов беришнинг тупроқни агрофизик ва агрокимёвий хоссаларига таъсирини, такрорий экинларни экишнинг мақбул усулини ўрганиш;

тупроққа турли чуқурликда ишлов бериш ва экиш усуллариининг такрорий соя, мош ва сулининг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

такрорий экин сифатида экилган соя, мош ва сулининг тупроққа ишлов бериш усуллариининг, илдиз ва анғиз қолдиқларини тўпланиши ва уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини ўрганиш;

кузги буғдойдан сўнг тупроққа турли чуқурликда ишлов бериш ҳамда такрорий соя, мош ва сули экишнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти Марказий Фарғонанинг механик таркиби енгил унумдорлиги паст ўтлоқи соз тупроқлари, соянинг “Орзу” нави, мошнинг “Победа” нави, сулининг “Ўзбекистон кенг баргли” нави, ғўзанинг “Андижон-35” навлари.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари, мош, соя, сули ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, илдиз ва анғиз қолдиқлари, маҳсулот сифати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Илмий тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўйиш, фенологик кузатув ва ҳисоблашлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий таҳлиллари “Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах” ва “Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником” услубий қўлланмалари асосида амалга оширилган. Дала тажрибаларидан олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А. Доспехов усулида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Марказий Фарғонанинг эрозияга мойил унумдорлиги паст кучсиз шўрланган ўтлоқи соз тупроқлари шароитида қисқа навбатлаб экиш

тизимида кузги буғдойдан сўнг ерга чуқур ва юза ишлов бериб, такрорий соя, мош ва сули экишнинг тупроқ агрофизик ва агрохимёвий хоссаларига ҳайдов ва экиш усуллариининг ижобий таъсири аниқланган;

кузги буғдойдан сўнг механик таркиби енгил ўтлоқи соз тупроққа 30 см чуқурликда ишлов берилиб, такрорий мош, соя экинларини қаторлаб экишда уруғнинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши яхшиланиши ҳисобига экинлар ҳосилдорлиги юқори бўлиши аниқланган;

механик таркиби енгил ўтлоқи соз кучсиз шўрланган тупроқларда кузги буғдойдан сўнг тупроққа 30 см чуқурликда ишлов бериш, 22-24 см чуқурликда чизель билан ва культиватор ёрдамида 14-16 см чуқурликда ишлов беришга нисбатан мақбуллиги, такрорий мош ва соя экинларини қаторлаб экиш илдиз ва анғиз қолдиқлари тўплаши ҳамда уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсириининг ортиши, тупроққа 30 см гача ишлов бериб, қаторлаб экилган соя ва мош экиш, ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Шамол эрозиясига мойил унумдорлиги паст, механик таркиби енгил суғориладиган ўтлоқи соз, кучсиз шўрланган тупроқлар шароитида кузги буғдойдан сўнг ерга чуқур ва юза ишлов берилиб, соя, мош ва сули экилганда тупроқдаги макроагрегатлар 0,1-10 %, ғоваклиги 0,6-1,5 %, гумус 0,001-0,004 %, умумий азот 0,005 %, нитратли азот миқдори 0,1-3,6 мг/кг ортган;

кузги буғдойдан кейин 30 см чуқурликда ишлов берилиб, соя ва мош қаторлаб экилганда 16,5-18,8 ц/га дон ҳосили олиниб, чизель билан 22-24 см ишлов беришга нисбатан 2,1-2,5 ц/га, культиватор ёрдамида 14-16 см ишлов беришга нисбатан 4,1-4,9 ц/га юқори ҳосил олинган ва мос равишда 48,1-52,7 % рентабелликка эришилган;

кузги буғдойдан сўнг такрорий мош ва соя экилиб, кейинги йил ғўза парваришланганда 33,4-34,2 ц/га пахта ҳосили олинган ҳолда такрорий экинлар мошдан гектарига 1229,0 минг сўм, соядан 1541,0 минг сўм, ғўзадан 1 888 720,5 сўм соф даромад олинган ва рентабеллик даражаси 39,5% ортгани аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг лаборатория ва дала усулларида фойдаланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилганлиги, тажриба натижалари Республика ва чет эл тадқиқотлари билан солиштирилганлиги, йиғилган маълумотлар ҳисоботлар шаклида институтнинг илмий кенгашида муҳокамадан ўтганлиги, тажрибаларда олинган илмий ва амалий натижалар ҳар йили мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Марказий Фарғонанинг шамол эрозиясига мойил, унумдорлиги паст, механик таркиби енгил, кучсиз шўрланган ўтлоқи соз тупроқлари шароитида навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан сўнг ерга чуқур, ўртача ва юза ишлов берилиб, такрорий соя, мош ва сули экинлари турли усулда экишнинг тупроқ унумдорлигига самарали таъсирининг асосланиши, деҳқончиликда мавжуд олинган илмий манбалар билан тўлдирилганлиги, такрорий экинлардан мўл, сифатли ва экологик тоза маҳсулот етиштирилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, шамол эрозиясига учраган механик таркиби енгил, кучсиз шўрланган ўтлоқи соз тупроқларнинг унумдорлигини оширганлиги, тупроқнинг сув ўтказувчанлигининг ортиши, ҳажм массасининг яхшилангани, илдиз ва анғиз қолдиқлари тупроқнинг органик қисмини бойитгани, натижада кейинги йил экилган ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олинганлиги бўйича илмий асосланган тавсиялар берилганлиги туфайли, ушбу тавсиялар асосида агротехник тадбирлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиши эвазига юқори иқтисодий самарадорлик ва рентабелликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Фарғонанинг унумдорлиги паст, механик таркиби енгил кумоқ, кучсиз шўрланган суғориладиган ўтлоқи соз тупроқлари шароитида тупроққа турли чуқурликда ишлов бериш ва такрорий экинларни ҳар хил усулда экиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида:

пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Унумдорлиги паст ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича” тавсиялар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7-сентябрдаги 02/021-2175-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда Марказий Фарғонадаги пахтачилик ва ғаллачилик фермер хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Марказий Фарғонанинг ўтлоқи соз, кучсиз шўрланган механик таркиби енгил кумоқ тупроқларида, кузги буғдойдан сўнг тупроққа турли усулда ишлов бериб, такрорий экинларни ҳар хил усулда етиштириш технологияси жами 338 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7-сентябрдаги 02/021-2175-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойдан сўнг анғизга 30 см гача ишлов берилган агрофонда мош ва сояни қаторлаб экилганда дон ҳосилдорлиги тегишли равишда 17,8 ва 21,7 ц/га ни ташкил қилди. Шунингдек, 22-24 см чуқурликда чизель билан ишлов берилиб экилган агрофонга нисбатан мос равишда 2,7 ва 4,3 ц /га, тупроққа культиватор ёрдамида юза ишлов берилган агрофонларга нисбатан эса, гектаридан 4,4 ва 7,1 центнергача мош ва соя дон ҳосили олишга эришилган;

такрорий мош ва соя экинлари етиштирилган сўнг, ғўза парваришlash Улуғнор туманида 171 гектар ва Бўстон туманида (собик Бўз) 167 гектар

майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7-сентябрдаги 02/021-2175-сон маълумотномаси). Қаторлаб экилган мош фонидagi ғўзадан 2,9 ц/га, сочма экилган мош фонидagi ғўзадан эса 2,7 ц/га, қаторлаб ҳамда сочма усулда экилган соя фонларидан мос равишда назоратга нисбатан 3,5-3,6 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган, рентабеллик даражаси 28,4-39,5 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда илмий ҳисоботлар ҳар йили ПСУЕАИТИнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокамадан ўтган. Диссертация ишининг асосий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда чоп қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 14 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган маълумотлар илмий ва амалий аҳамияти маълумотлар асосида ёритилган, тадқиқотдан олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, ва диссертациянинг қисмлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тупроққа ишлов беришнинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги ўрни”** деб номланган биринчи бобида тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш, тупроқ таркибининг биологик активлигини таъминлаш, тупроқдаги тирик организмларнинг ривожланишига эришиш учун тупроққа турли ишлов беришнинг самарали усулларида фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларини илмий асосланган юқори агротехнологияда парваришлашга тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда тупроқни органик моддалар билан бойитиш, деҳқончилик тизими ишлаб чиқиши ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим

шароитлари ва тадқиқот ўтказиш усуллари батафсил келтирилган. Дала тажрибалари Марказий Фарғонанинг қум барҳанлари текисланиб деҳқончилик қилинаётган, шамол эрозиясига учраган Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги А. Иминов ҳудудида жойлашган “Мингчинорда олтин хирмон” фермер хўжалиги далаларида олиб борилганлиги келтирилган.

Ҳудуд тупроқлари ўтлоқи соз механик таркиби енгил қумоқ тупроқлардан иборат бўлиб, тажриба даласи эскидан суғорилиб келинаётган, сизоб сувлари сатҳи 1,5-2,0 м да жойлашган, ҳайдов қатламидаги гумус миқдори 0,5-0,6 %, умумий азот-0,058 %, фосфор-0,155 %, ни ташкил қилади.

Тадқиқотларда тупроқ таркибидаги чиринди миқдорини Тюрин усулида; ялпи азот, умумий фосфор И.Мальцева, Л.Гриценко усулида, тупроқдаги ҳаракатчан шаклдаги озика моддалар, нитратли азот Гранвальд-Ляжу усулида; ҳаракатчан фосфор Б.Мачигин усулида; алмашинувчи калий П.Протасов усулида аниқланди.


Тажриба даласи тупроғининг ҳажм массаси металл цилиндр ёрдамида, Н.А.Качинский усулида, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги металл халқа ёрдамида С. И. Долгов ва С.Н. Рыжов усулида, тупроқнинг донадорлиги Н.И.Саввинов усулида аниқланди.

Диссертациянинг **“Тупроққа турлича ишлов бериш ва такрорий экинларни экиш усуллариининг тупроқнинг сув физик ва агрохимёвий хусусиятларига таъсири”** деб номланган учинчи бобида тупроқнинг физик хусусиятлари орасида уларнинг зичлиги алоҳида аҳамият касб этганлиги келтирилган. Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқни ҳажм оғирлигига деярли барча агротехник тадбирларнинг таъсири кузатилади.

Кузги буғдойдан сўнг тупроққа 30 см чуқурликда ишлов берилиб, такрорий экин экилмасдан қолдирилган вариантда амал даври бошида тупроқнинг 0-30; 30-50 см қатламларида ҳажм оғирлиги тегишли равишда 1,24-1,25 г/см³ ни ташкил этган. Такрорий экинлар экилган вариантларда амал даври охирига келиб агротехник тадбирларни ўтказилиши натижасида барча агрофонларда тупроқнинг зичлашига олиб келган (1-расм.). Кузги буғдой анғизи ёзда 30 см ҳайдалган фонда амал даврининг бошига нисбатан иккала қатламда ҳам 0,01-0,02 г/см³, кузги буғдойдан сўнг чизел қилинганда 0,04 г/см³ кузги буғдойдан сўнг тупроққа культиватор билан юза ишлов берилганда 0,06-0,07 г/см³ зичлашгани аниқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, такрорий экинларнинг турлари ва экиш усулларига кўра, тупроқ ҳажм массасининг ўзгариши ўзига хос бўлган. Эгатлаб экилган мош ва сояда тупроққа ишлов беришда ер 30 см ҳайдаб экилганда сочма усулда экилганга нисбатан мавсум охирида тупроқ ҳажм массаси 0,01-0,02 г/см³ камайган. Чизел ва культиватордан фойдаланилган вариантларда амал даври охирида 0,01 г/см³ камроқ зичлашганлиги кузатилади. Тадқиқотда кузги буғдойдан сўнг ерни 30 см ҳайдаб, соя эгатлаб экилганда тупроқ ҳажм массасининг мавсум давомида мақбул ҳолатда сақланиши таъминланган. Тадқиқотнинг кейинги йилида ҳам амал даври

бошига нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги барча вариантларда ортиб борганлиги кузатилди, лекин тупроққа 30 см чуқурликда ишлов берилиб, мош ва соя эгатлаб экилганда биринчи йилдагига ўхшаш қонуният қайд этилди.



1-расм. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги, г/см³ (2015 й.)

Механик таркиби енгил тупроқларда кузги буғдойдан кейин 30 см чуқурликда ишлов берилганда тупроқнинг дондорлиги ортиб, такрорий экинларнинг ўсиб ривожланишига қулай шароит яратилган ҳолда, чизеллаш ва культиватор билан ишлашга нисбатан ҳажм массанинг яхшиланганлиги тажрибанинг кейинги йилларида ҳам кузатилган. Шу ўринда айтиш керакки, Марказий Фарғонадаги унумдорлиги паст бўлган тупроқларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экинлар етиштирилганда мавсум бошига нисбатан мавсум охирида тупроқнинг ҳажм массаси ортиб борган. Лекин энг кам ҳажм оғирлик тупроқ 30 см чуқурликда ҳайдалиб такрорий мош ва соя эгатлаб экилганда кузатилган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги унинг зичлиги ва ғоваклигининг ўзгаришига боғлиқ бўлган сув-физик хусусиятларидан бири саналади. Кузги буғдой ҳосили йиғиштириб олингандан кейин тупроқнинг сув ўтказувчанлигини аниқлаш натижалари кўрсатишича, 6 соат давомида гектарига 1222 м³ ни ташкил этган ва энг кўп сув сингдириш қобилияти дастлабки 2-3-соатда қайд этилган. Яъни 1- соатда 369,1 м³/га, 2-соатда 366,3 м³/га, 3-соатда 142,0 м³/га ва жами 3 соатда 877,4 м³/га ни ташкил этган.

Амал даврининг бошида кузги буғдойдан кейин 30 см чуқурликда ҳайдов ўтказилган далада такрорий экинлардан кейин сув ўтказиш қобилияти 6 соат давомида 1054,2 м³/га ёки сув ўтказиш тезлиги 0,29 м³/га ни ташкил қилган бўлса, 22-24 см чуқурликда чизел қилинган вариантда 1043,6 м³/га, ёки амал даври бошига нисбатан 178,4 м³ камайган. Шунингдек, кузги буғдойдан кейин тупроққа культиватор ёрдамида ишлов берилган далада сув

ўтказувчанлиги 1012,7 м³/га ва сув ўтказиш тезлиги минутага 0,28 м³ бўлган ҳолда тажриба бўйича энг паст кўрсаткич олинган.

Кузги буғдойдан кейин ер 22-24 см га чизел қилиниб такрорий экинлар экилгандан кейин сув ўтказувчанлиги 30 см ҳайдовга нисбатан гектарига 10,6 м³ пасайган. Ушбу кўрсаткич культиватор ёрдамида ишлов берилган далада мавсум бошига нисбатан 209,3 м³/га ча пасайганлиги аниқланган.

Кузги буғдойдан кейин 30 см ҳайдов ўтказилиб такрорий экин экилганда ва 22-24 см чизел билан ишлов берилганда такрорий мош ва соядан кейин тупроқдаги умумий азот, фосфор ва гумус миқдорлари энг юқори эканлиги ва 30 см ҳайдалиб, мош ва соя эгатлаб экилган 2-6 вариантларда мавсум бошида 0-30 ҳамда 30-50 см қатламларга мос равишда гумус 0,632-0,593%, умумий азот миқдори 0,056-0,042% ва фосфор 0,135 % бўлса, дон дуккакли экинлар таъсирида мавсум охирида гумус, умумий азот ва фосфор миқдори тупроқ қатламларида гумус ва азот миқдори мутаносиб равишда 0,004-0,003 ва 0,005-0,004 % ошганлиги, умумий фосфор эса 0,014 % га камайганлиги кузатилган.

Чизел билан ишлов берилиб, такрорий экинлар экилганда юқоридаги кўрсаткичларга яқин натижалар олинган бўлсада, озиқа моддалар миқдорининг ортиши 30 см чуқурликда ишлов берилган вариантлардан юқори бўлмаган. Бунда такрорий экинларнинг баравж ўсиб ривожланишида тупроқнинг ҳажм оғирлиги ва бошқа сув-физик хусусиятларини ҳам муҳим аҳамият касб этган деб хулоса қилиш мумкин.

Кузги буғдойдан кейин культиватор билан ишлов берилганда озиқа моддалар миқдорининг ўзгариши деярли кузатилмаган. Мош ва соянинг ўсиши, ривожланиши суи бўлгани ва дуккакли экинларнинг азот тўплаши камайгани оқибатида озиқа моддаларининг тўпланишида ижобий ўзгаришлар аниқланмаган.

Тадқиқот натижаларига кўра кузги буғдойдан сўнг тупроққа 30 см чуқурликда ишлов бериб такрорий экин соя ва мош қаторлаб экилганда, 22-24 см чизель билан ёки культиватор билан юза ишлов бериб экишга нисбатан 5-10 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.

Тупроқдаги умумий шаклдаги азот миқдори органик моддаларга боғлиқ бўлиб, улар қанчалик кўп бўлса, умумий азот миқдори ҳам шунча кўпайиб боради. Тажрибада назорат ёзда шудгор 30 см чуқурликда ўтказилган кузда умумий азот миқдори ҳайдов қатламида 0,001 %, ҳайдов ости қатламида эса 0,002 % ортганлиги аниқланган (1-жадвал).

Кузги буғдойдан сўнг чизел билан 22-24 см чуқурликда ишлов берилиб такрорий экинлардан мош ва соя экилган 7-11 вариантларда ҳайдов қатламидаги ҳам ҳайдов ости қатламида ҳам умумий азот миқдори 0,001 % га ортгани кузатилган.

Кузги буғдойдан сўнг тупроққа 30 см чуқурликда ишлов бериб такрорий экинлар экилган вариантларда, умумий азот миқдорининг энг кўп ортиши

кузатилган. Масалан, 0-30 см ҳайдов қатламида 0,005% ва ҳайдов ости 30-50 см қатламда 0,004 % юқори кўрсаткич олинган.

1-жадвал

Тупроқ таркибидаги гумус азот фосфор миқдори, %

вар	Тупроққа ишлов бериш усули	Мавсум бошида						Мавсум охирида					
		гумус		азот		фосфор		гумус		азот		фосфор	
		Тупроқ қатлами, см						Тупроқ қатлами, см					
		0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50
1	30 см шудгор қилиниб, экин экилмаган	0,633	0,589	0,057	0,042	0,125	0,107	0,634	0,570	0,058	0,040	0,119	0,101
2-6	30 см шудгор қилиниб, такрорий экилган	0,632	0,593	0,056	0,042	0,135	0,109	0,636	0,596	0,061	0,046	0,121	0,101
7-11	Чизель (22-24 см) ишлов берилган	0,631	0,590	0,059	0,048	0,130	0,107	0,635	0,593	0,060	0,049	0,117	0,099
12-16	Культиватор билан ишлов берилган	0,630	0,591	0,057	0,043	0,128	0,106	0,631	0592	0,069	0,050	0,115	0,097

Демак кузги буғдойдан сўнг тупроққа мақбул ишлов берилиб такрорий дуккакли дон экинлари экилса ўзидан кўпроқ илдиз ва анғиз қолдиқлари қолдириши ва органик моддалар миқдорининг ортиши билан тупроқдаги умумий азот миқдори ҳам ортиб бориши қонунияти аниқланган. Бу эса кейинги йил экиладиган ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун мақбул шароит яратилишига имкон берган.

Диссертациянинг **“Тупроққа турли усулда ишлов бериш ва экиш усуллариининг такрорий экинларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида ниҳолларни униб чиқишига такрорий экинларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Кузги буғдой йиғиштириб олингандан сўнг ер 30 см чуқурликда шудгорланиб, такрорий экинлар экилган вариантларда чизель билан 22-24 см ва культиватор билан юза ишлов берилган вариантларга нисбатан тупроқнинг агрофизик хоссалари яхшиланиши, жумладан намлик яхши сақланиши ҳисобига ҳамда такрорий экинлар турларига боғлиқ ҳолда унувчанлик юқори бўлганлиги аниқланди.

Тупроққа 30 см чуқурликда ишлов берилиб қаторлаб экишда сочма усулда экишга нисбатан мош ва сояни униб чиқиши мутаносиб равишда 2,8 ва 2,2 фоизга, тупроққа чизель ёрдамида 22-24 см чуқурликда ишлов берилганда 1,5-2,9 фоизга, тупроққа культиватор ёрдамида юза ишлов берилганда 2,4 фоиз юқори бўлгани кузатилди.

Кузги буғдойдан кейин анғизга такрорий экинларни экиш учун тупроқни 30 см чуқурликда ҳайдаш энг самарали усул эканлиги, бунда ниҳоллар униб чиқиш 4,5-8,5 % тезлашгани ва ўсиш ривожланишига қулай шароит яратилгани аниқланган.

Тадқиқотларда 1 август кунги ўтказилган кузатув натижаларига қараганда, тупроққа ишлов бериш усуллари ҳамда қаторлаб ва сочма усулда экилган мош, соя ва сули ўзига хос тарзда ўсиб ривожлангани аниқланди.

Масалан, кузги буғдойдан кейин 30 см чуқурликда ҳайдалиб, қаторлаб экилган мош ва соя (2 ва 5 вар.) жадал ўсиб ривожланди. Бунда мошнинг бўйи 23,6 см ва соянинг бўйи 26,8 см ни ташкил этиб, сочма усулда экилган вариантларга (3 ва 5 вар.) нисбатан тегишли равишда 5,0-8,9 см баландроқ бўлгани аниқланган. Шунингдек, ҳосил шохлари сони мос ҳолда 2,2 ва 2,9 донани ташкил этиб, сочма усулда экилган вариантларда эса ўсиш бироз кечикиши ҳисобига 1,2 донга ҳосил шохлари пайдо бўлган. Кузги буғдойдан кейин тупроқ 22-24 см чуқурликда чизел қилинганда қаторлаб экилган мош ва соянинг ўсишида сезиларли фарқ бўлмасада, ер 30 см ҳайдалганда қаторлаб экилган вариантларга нисбатан 2,9 ва 1,2 см пастроқ ўсиб ривожланганлиги кузатилган.


Чунки, кузги буғдойдан кейин тупроқ 30 см ҳайдалиб, экилганга нисбатан агрофизик хоссалари фарқ қилганлиги ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишида ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бунда, мошда 1 донга сояда 1,4 донга ҳосил шохлари шаклланган (7 ва 9 вар). Экинлар уруғи сочма усулда экилганда мош ва соянинг бўйи мос ҳолда 17,1 ва 13,4 см ни ташкил этиб, қаторлаб экилган вариантларга нисбатан 3,6 ва 3,2 см пастроқ бўлган. Кузги буғдойдан кейин 30 см ҳайдалганга нисбатан мошнинг ўсишида фарқ кам кузатилган (8 ва 10 вар). Бизнинг фикримизча, бунда мош уруғи униб чиқиши учун қулай шароит мавжуд бўлганлиги сабабли жадал ўсиб ривожланган (2-расм).

Кузги буғдойдан кейин культиватор ёрдамида юза ишлов берилганда, мош ва сояни 30 см чуқурликда ҳайдалган ва 22-24 см чуқурликда чизел қилинганга нисбатан мош ва сояни қаторлаб экиш усулида бўйи 10,8 ва 7,9 см, сочма усулда 6-8 см пастроқ бўлган ҳолда 12,8 ва 14,9 см ни ташкил қилган (12-15 вар).

Тадқиқотда 1 сентябрда ўтказилган кузатув натижаларида ҳам тупроққа ишлов бериш усулларининг такрорий экинларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири юқоридагиларга ўхшаш ҳолда ўзгарганлиги аниқланган.

Тупроққа турли усулларда ишлов берилган агрофонларда сули уруғларини униб чиқишида катта фарқлар кузатилмади. Уруғларнинг нисбатан тезроқ униб чиқиши кузги буғдойдан кейин ер 30 см чуқурликда ҳайдалганда кузатилиб 5 июл кунига 85,7 % униб чиққан бўлса, чизель ва культиватор билан ишлов бериб экилганда 80 % униб чиққанлиги аниқланди.

Тажрибада сулининг барглар сони ҳам ҳисобланганда вариантлар орасида катта фарқлар кузатилмаган. Лекин сулининг кейинги ривожланиш давларида тупроққа ишлов бериш усуллари орасида сезиларли фарқланиш кузатилиб, тупроққа 30 см чуқурликда ишлов бериш самараси ортиб борган. Жумладан ер 30 см чуқурликда ҳайдалиб, сули экилган вариантда бўйи 123,0 см, кўк масса ҳосили 229,0 ц/га ни ташкил этган ҳолда, ерни 22-24 см чуқурликда чизель қилинганда бўйи 111 см, кўк масса ҳосили 222,2 ц/га ёки ерни ҳайдаб экишга нисбатан бўйи 12,0 см пастроқ ва 7,0 ц/га камроқ ҳосил олинган.



2-расм. Такрорий экинларни дон ҳосилдорли, ц/га

Тупроқ культиватор ёрдамида юза ишланганда бўйи 98,8 см кўк масса ҳосили 180,7 ц ни ташкил этди. Тупроқ 30 см чуқур ишлов бериб экишга нисбатан бўйи 24,2 см, кўк масса ҳосили 48,3 ц/га кам бўлган.

Демак шамол эрозиясига мойил тупроқларда кузги буғдойдан сўнг сули экиш учун тупроққа 30 см чуқурликда ишлов бериш энг мақбул эканлиги, бунда сулининг ўсиши ва ривожланиши ҳосил тўплаши, чизель ёки культиватор билан ишлов бериб экишга нисбатан юқори натижаларга эришиш намоён қилинганлиги аниқланган.

“Тупроққа ишлов бериш усуллари ва такрорий экинларни, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири” деб номланган бешинчи бобида қисқа навбатлаб экиш тизимида турли такрорий экинларни парваришлашнинг чигит униб чиқишига таъсири баён этилган.

Кузги буғдойдан сўнг экин экилмаган далада кейинги йил чигит экилганда ниҳоллар униб чиқиши 15.04 куни 42,7 %, 18.04 куни 72,4 % ва 21.04 куни 77,7 % ни ташкил этган бўлса, такрорий экинларни экишда тупроққа 30 см чуқурликда ишлов бериб, мош қаторлаб экилган вариантда юқоридаги муддатларга мос ҳолда 46,2; 79,9; 87,7 % ни соя экилган вариантда эса чигитнинг униб чиқиш даражаси 56,4, 85,8 ва 88,8 % ёки мош экилган вариантдан мос ҳолатда 10,2-5,7 ва 1,1 % юқори бўлганлиги аниқланган. 30 см ҳайдалиб соя ва мошни қаторлаб экилганда чигитнинг униб чиқиши юқори бўлиши аниқланган. 1-июнь кунги кузатувларда қаторлаб ёки сочма усулда экилган мошдан сўнг экилган ғўзанинг бўйи 30,3-28,4 см ва чинбарглар сони 6,6-6,4 донани ташкил қилган.

Тупроққа 30 см чуқурликда ишлов берилиб соя қаторлаб ва сочма усулда экилган далалардаги ғўзанинг бўйи энг юқори бўлиб 31,7-32,2 см, чинбарглар сони иккала вариантда ҳам 7,0 донани ташкил қилган ҳолда 1,0-1,9 донага кўпроқ чинбарг ҳосил қилгани ҳисобланган.

Тупроққа 22-24 см чуқурликда чизель билан ишлов берилиб соя ва мош қаторлаб ва сочма усулда экилган вариантларда 30 см чуқурликда ишлов

берилганга нисбатан ғўзанинг бўйи бироз пастроқ бўлган. Культиватор билан ишлов берилганда, 30 см чуқурликда ҳайдов ўтказилиб, мош ва соя экилган далаларга нисбатан ғўза ривожига орқада қолганлиги кузатилиб, мош экилган вариантларда ғўзанинг бўйи 22,8-23,6 см чинбарглар сони 5,2-5,6 донга, соя экилган вариантларда эса мос равишда 24,3-24,9 см чинбарглар сони эса 5,4-5,6 донани ташкил қилган, кейинги ойларида ҳам ғўзанинг ўсиб ривожланишида шу қонуният сақланганлиги аниқланди.

Кузги буғдойдан кейин 30 см чуқурликда ҳайдаб такрорий соя ва мош экилгандан кейин, ғўза парваришланганда пахта ҳосили 33,2-34,3 ц/га ни ташкил этиб, назорат яъни дала шудгорланиб такрорий экинлар экилмаган вариантга нисбатан 2,7-3,8 ц/га қўшимча ҳосил олиниб пахта ҳосилининг 87-90 % биринчи теримда йиғиштириб олинди.



